ЎЗБЕКИСТОН—ФИНЛЯНДИЯ:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЎЗЛАБ

• КЕЧА ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МАУНО КОЙВИСТО БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ РЕСПУБЛИКАМИЗГА РАСМИЙ ДЎСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН ТАШРИФ БУЮРДИ

• ОЛИЙ ДАРАЖАДА ЎТКАЗИЛАДИГАН УЧРАШУВЛАР ИККАЛА МАМЛАКАТ РАВНАҚИДА ЯНГИ ОМИЛ БАХШ ЭТАДИ, ЖАҲОНДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети • Нархи 3 сўм.

1992 йил 1 октябрь, пайшанба № 193 (21.291).

МАУНО КОЙВИСТО ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто жаноблари бошчилигидаги Финляндия ҳукумат делегацияси 30 сентябрь куни Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди.

Финляндия ва Ўзбекистон байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

(ЎзА).

БИР ДАРАХТНИНГ ИККИ ШОХИ

● 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти девонида Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома ҳамда 1993 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангач, Президентлар И. Каримов ва А. Акаев биргаликда журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Президент А. Акаев Қирғизистон Республикаси ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи хусусида шундай деди:

— Биз Ўзбекистон билан ҳали собиқ марказ қуламай туриб ҳам шартнома тузган эдик. Лекин бугун имзоланган ҳужжатлар ўша вақтдагисидан бутунлай фарқ қилади. Негаки, бугунги музокаралар ҳам, имзоланган ҳужжатлар ҳам СССР таркибидаги республикаларнинг эмас, балки халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган икки мустақил давлат ўртасида ўтказилгани ва имзолангани билан ҳам қимматлидир. Расмий ташрифимиздан яна бир мақсад— Ўрта Осиё минтақасида тинчликни барқарорлаштириш йўлида баҳамжиҳат сиёсат юргизишни Президент И. Каримов билан маслаҳатлашиб олиш эди. Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг бу ҳақдаги фикрлари бир жойдан чиққанлиги бизни қувонтирди.

Президент И. Каримов имзоланган ҳужжатлар ён қўшни бўлган иккала халқ манфаатларига бирдай мос тушади ва янги ҳамкорликлар учун истиқболлар очади, деб умид билдирди.

Суҳбат вақтида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги раҳбарларининг Бишкекда ўтказилиши кўзда тутилаётган учрашуви тўғрисида ҳам саволлар берилди.

И. Каримов Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари биргаликда имзолаган кўпгина ҳужжатлар жуда секинлик билан амалга оширилаётгани ёки умуман қоғозда қолиб кетаётганидан ташвишда эканини билдирди. Биз, деди у, иқтисодиёт ва коллектив хавфсизликка оид имзоланган ҳужжатларни мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ҳуқуқий орган тузиш тарафдоримиз, бироқ айрим давлат раҳбарларининг федерация ёки конфедерация ҳақидаги мулоҳазаларига қўшилмаймиз. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарлари учрашувига келсак, бу Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари биргаликда қабул қилган ҳужжатларга зид келмайди. Аксинча, Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида вужудга келган муаммоларни биргалашиб ҳал этиш йўлида қўйилган дастлабки қадамлардир.

Сўнгра иккала давлат раҳбари Тожикистонда давом этаётган фуқаролар урушини тўхтатиш ва у ерда тинчлик ўрнатиш учун қандай ишлар қилинаётгани хусусида сўзлаб беришди. Хусусан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўшма Баёноти мустақил Тожикистоннинг ички ишларига аралашмай туриб, урушни тўхтатиш йўлида муҳим омил бўлиши мумкинлигини таъкидлашди.

Воқеалар силсиласига эътибор берадиган бўлсак, деди Ислом Каримов, Тожикистондаги қонли воқеалар Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик урушининг мантиқий давомидир. То афғон диёрида тинчлик ўрнатилмас экан, бу урушнинг бутун Ўрта Осиёга тарқатиш хавфи таҳлика солаверади. Чунки бу минтақада осойишталик бўлмаслигидан манфаатдор кучлар борлиги маълум бўлиб қолаяпти. Бундай ёвуз ниятлар амалга ошмаслиги учун кучларимизни бирлаштириш зарур. Бугун имзоланган ҳужжатларда муаммоларнинг ана шу жиҳатлари эътиборга олинганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Қирғизистонда минг-минглаб ўзбеклар, Ўзбекистонда эса кўплаб қирғизлар истиқомат қилади. Маданий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорлик йўли билан миллатлараро дўстликнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш мумкин. Ўзбеклар қирғизлардан чорвачиликни, қирғизлар эса ўзбеклардан деҳқончиликни ўрганиб, иқтисодиётлари ривожига ҳисса қўшадилар. Булар ҳаммаси бир бўлиб, келгусида Ўшдагига ўхшаш воқеалар такрорланмаслигининг ишончли кафили бўлиши мумкин.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам батафсил ва ошкора жавоб олдилар.

(ЎзА).



Матбуот конференциясида

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

29 сентябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бошчилигида расмий делегация аъзолари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва бошқа ҳукумат раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралардан сўнг икки мустақил давлат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш хусусида ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев «Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида»ги шартнома ва имзоладилар.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ҳамда Қирғизистон Республикаси Бош вазири Т. Чингишев «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1993 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида»ги битимга қўл қўйдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, Андижон вилояти ҳокими Қ. Холмирзаев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, Қирғизистон Республикаси томонидан Қирғизистон Республикаси Президенти девони раҳбари, давлат котиби Э. Қорабоев, Жалолобод вилояти ҳокими Б. Осмонов, Ўш вилояти ҳокими Б. Сидиқов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Ҳужжатлар имзолангач, И. Каримов ва А. Акаев матбуот конференцияси ўтказиб, журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

Асқар Акаев Ватанига жўнаб кетди

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 30 сентябрь куни ўз Ватанига жўнаб кетди.

Меҳмонларни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

(ЎзА).

ЭЗГУ УМИДЛАРИМИЗ УШАЛАДИ

ХДП: ХАЛҚ ОРАСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Сурхондарё вилоятининг Ангор районида бўлди. Пахта йиғим-терими бориши ва бошқа дала ишлари билан қизиқди. Одамларнинг меҳнат шароитлари, турмуш ташвишларини ўрганди.

Партия раҳбари «Новшаҳар» жамоа хўжалигига борганда Оллоқулов бошлиқ бригада теримчилари нонушта қилишга чиққан экан. Гап-гапга уланиб, суҳбат маромли тус олди. Иш ҳақини ҳар беш кунда бериб борилаётганидан тортиб никоҳ тўйлари учун мебель қачон арзон бўлишигача фикр алмашдилар. Одамлар Ўзбекистон раҳбариятининг эл ҳосилдорлиги, тинч-тотувлигини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатидан миннатдор бўлиб гапирдилар.

М. М. Расулов ўша куни Термиз шаҳрида бир гуруҳ партиядошларга партия билетларини топширди ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нуфузини янада ошириш хусусида гаплашиб олинди.

Вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т. Менглиев ва бошқа ўртоқлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расуловга ҳамроҳ бўлдилар.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугунги сонда:

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ИМЗОЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАР ЯНГИ ҲАМКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧАДИ. (1 БЕТ)

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА. (2-БЕТ)

● АДОЛАТ ЙЎЛИ — ҲАҚ ЙЎЛ, ДЕЙДИ МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ ИДОРАСИ РАИСИ МУФТИ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ ГАЗЕТА БОШ МУҲАРРИРИ БИЛАН СУҲБАТДА. (3-БЕТ).

● КИНОФЕСТИВАЛЬ — ЗЗҒУЛИК ЭЛЧИСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. (4-БЕТ)

РЕСПУБЛИКА МУЛКИ—МУҚАДДАС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

● Собиқ иттифоқдош республикалар ҳудудида бозор муносабатларига ўтиш, нархларга эркин тус бериш шароитида Ўзбекистон Республикаси ички бозорини ҳимоя қилиш зарурати вужудга келди.

Мавжуд ресурсларни сақлаб қолиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, республиканинг қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятининг олий идоралари хом ашё, қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб кетишни тартибга соладиган бир қанча қарорлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан Вазирлар Маҳкамаси маҳсулотларни республикадан ташқарига олиб кетиш юзасидан белгиланган тартибни вазирликлар ва идоралар, маҳаллий бошқарув идоралари қандай бажараётганини кўриб чиқди ҳамда «Товар-моддий бойликларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб кетиш қоидалари жиддий бузилаётгани ҳақида» қарор қабул қилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● АНДИЖОН

БОБУР МУКОФОТИ СОҲИБИ

● ШОИР ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур номли мукофотни илк бор олиш Марҳамат районидаги Т. Мирзаев номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Мамасоли Абдуллаевга насиб этди.

Тажрибали соҳибкор ва унинг шогирдлари: Шоҳобиддин Усмонов, Раҳматилла Раҳмонов, Юсуф Мадумаров, Абдуҳалил Исмонов ва бошқалар Улитоғ атакларида 400 гектар боғ яратган эдилар. Бу боғларда 18 хил мева дарахти бор: олма, ўрик, гилос, шафтоли, анор, анжир, бодом, олхўри ва бошқалар. Бригада соҳибкорлари давлат буюртмасини аллақачон бажариб қўйишган. Ҳозир режага қўшимча 50 тоннадан зиёд мева қишга сақлаш учун тайёрланяпти.

...Андижон вилояти боғбонлари режадаги 34 минг ўрнига 35 минг тонна мева етиштиришди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

ЯНГИ ҲОСИЛ ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

Республикамизнинг шимоли — Қорақалпоғистонда пахта терими билан бир қаторда шоли ўриш ва янчиш ҳам бошлаб юборилди. Ҳозир бир қатор районлардаги пахтачилик хўжаликларида икки фоиз ва ундан ошириб пахта тайёрланмоқда. Шоличиликка ихтисослаштирилган «Хоразм», «Советская Каракалпакия», «Олтин кўл», Ажиниёзов номли, П. Сеитов номли давлат хўжаликларида кунига қариб тўрт фоиздан ошириб шоли тайёрланмоқда.

Бу йил Хўжайли райони пахтакорлари Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб пахта карвонини бошлаб беришди. «Найман», «Оқолтин», «Қорақалпоғистон», «Дўстлик», Ҳамза номли жамоа хўжаликлари пешқадамлик кўрсатмоқдалар. Бу хўжаликларнинг ҳар бирида кунига йиллик режанинг 3,5 — 4,2 фоизидан пахта тайёрланмоқда. Энг муҳими, етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида териб олишга ҳаракат қилинмоқда.

Янги ҳосилни қабул қилиб олишга бағишланган йиғилишда пахтакорларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Р. Йўлдошев ва район ҳокими С. Нурхўжаевлар табрикладилар. Шу куни қабул пунктларига қариб 100 тонна хом ашё топширилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ҲИНДИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ ФЕСТИВАЛИ

Кеча Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси қошидаги «Феникс-Гули интернейшнл» қўшма корхонасининг санъат усталари дўст Ҳиндистон Республикасига жўнаб кетишди. Ўзбекистон санъат усталари мамлакат пойтахти Деҳли шаҳрида 1—6 октябрь кунлари ўтказиладиган Ўзбекистон санъати ва маданияти фестивалида қатнашадилар.

Шу муносабат билан республикамиз миллий авиакомпаниясининг бош раҳбари Ғани Мазитович Рафиқов мухбиримизга қўйидагиларни гапириб берди.

— Ўзбекистон халқининг асрий орзуси — мустақилликни қўлга киритгандан кейин миллий авиакомпаниянинг халқаро миқёсидаги юмушлари доираси кенгайиб кетди. Ана шундан келиб чиқиб компания қошида «Феникс-Гули» қўшма корхонасини ташкил этган эдик. Мақсад диёримизнинг қадимий ва бой санъати, қудрати билан ҳам республикамиз мустақиллиги ютуқларини хорижий эллларда намойиш этиш эди. Бу корхона санъат юлдузлари шу йилнинг баҳорида Бирлашган Араб Амирлиги мамлакатида Ўзбекистон санъати кунларини ўтказиб таҳсинга сазовор иш қилди.

Миллий авиакомпаниямиз бу сафар ана шундай катта тадбирни Ҳиндистон пойтахти Деҳлида ўтказади. Бунинг учун қадимий шаҳардаги ҳашаматли «Ашок» меҳмонхонаси санъаткорларимиз ихтиёрига бериб қўйилган. Бу фестиваль Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигини тараннум этади. Ҳинд томошабинлари Тошкентнинг Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган катта шодиёна лавҳалари тимсолида Ўзбекистон санъати билан танишадилар.

«Феникс-Гули» қўшма корхонасининг бош раҳбари, раққоса Гулчеҳра Юсупова ана шу фестивалга жўнаш олдидан қуйидагиларни маълум қилди.

— Қўшма корхонамиз жамоаси бу тадбирга жуда катта ғайрат ва илҳом билан тараддуд кўрди. Биз Деҳли томошабинларига олти кун давомида маданий хизмат кўрсатамиз. Бу фестивалда қатнашадиган санъаткорлар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Нарзиддин Шерматов, Элмурод Исломов, Гулнора Низомова, Рушана Султонова, Нуриддин Ҳайдаров, истеъдодли раққосалардан Раъно Зокирова, Гулмира Ширинова, Гўзал Мансурхўжаева, хонанда Мариям Сатторова, созандалар Мирхосил Азизов, Илҳом Ҳамдамов, Раҳматжон Зокиров ва бошқалар иштирок этадилар.

Фестиваль кунлари ўзбек миллий таомлари пазандачилиги маҳорати намойиш қилинади. Концерт зали эса миллий каштачилик буюмлари билан безатилади.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА 1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА НАРХИ:

УЧ ОЙГА— 96 сўм ЯРИМ ЙИЛГА— 192 сўм БИР ЙИЛГА— 384 сўм

● Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА ИНСОНИЙ ИСТИҚБОЛ ҚОНУНИ

Жамиятни демократия ва инсонийлик асосида ташкил этишда давлат ҳамда унинг Асосий Қонуни — Конституциясининг аҳамияти беқиёсдир. Конституция ўз моҳият эътибори билан ҳар қандай демократик жамиятнинг бош белгиларидан бири бўлиб, унда асосан давлатнинг ижтимоий тузилиши, давлат ҳокимияти идоралари ва уларнинг фаолиятларини ташкил этиш қоидалари, сайлов тизими, фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқ ила бурчлари ифода этилади. Шу боисдан ёш мустақил давлатимизнинг ўз Асосий қонунини яратиш борасидаги саъй ҳаракатлари мутлақо табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган лойиҳасини тайёрлашда бу борадаги умумжаҳон ва ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таянилганлиги яққол сезилиб турибди. Албатта, Конституциянинг ўта муҳимлиги жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросидан бу нарсага шунга монанд масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Зеро, давлатнинг Асосий қонуни фуқаролар маънавий сиёсий даражасининг кўзгусидир. Конституцияни расман ҳам қабул қилиш мумкин. Аммо Асосий Қонун, мабодо, бир гуруҳ кишиларнинг «ижоди»дангина иборат бўладиган бўлса ва у фуқаролар аксар кўпчилиги ижодий фаолиятининг маҳсули сифатида намоён бўлмаса, ундай ҳолда, худди аввалгиларидек, қоғозда қолиб кетавераді. Бу ўта муҳим ҳужжат қай даражада пишиқ бўлса, унинг умри ҳам худди шу даражада боқий бўлади.

Бевосита Лойиҳа хусусидаги фикрларга келсак, мен даставвал айрим қоидавий аҳамиятга эга назарий жиҳатларга тўхталиб ўтмоқчи эдим. Чунки, назарий қусур сиёсий хатоликларга, у эса ўз навбатида тегишли салбий оқибатларга сабабчи бўлади.

Масалан, лойиҳанинг 50-моддасида «ижтимоий бозор хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг негизи», деб кўрсатилган. Аслида, бозор хўжалиги ҳеч қачон иқтисодиётнинг негизини ташкил эта олмайди. Иқтисодиётнинг негизини мулк ташкил этади. Инсоният жамиятининг тарихий босқичлари негизида, пировард натижада, худди ана шу мулкчиликнинг муайян шакллари ётади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, демократик, инсонпарвар жамиятнинг иқтисодий негизини шахсий ва жамоавий тасарруфдаги ижтимоий мулк ташкил этмоғи лозим. Бозор бу ўринда ҳам бошқа жамиятлардаги каби мулкчиликнинг айни шу шаклларини ҳаракатга келтириш воситаси, холос.

Лойиҳа 60-моддасидаги «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир» деган жумлага келсак, унинг ҳам назарий хато эканлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Оила жамиятнинг асосий бўғини эмас, балки инсонларнинг қон-қариндошлик ёки никоҳга асосланган ижтимоий бирлигининг барқарор шакли ҳисобланади. Оилани жамиятнинг асоси сифатида тан олиниши, гўё унинг обрўсини оширгандай бўлса-да, аммо масаланинг бу тарзда қўйилиши бутун диққат-эътиборни жамиятнинг чинакам асосий бўғинидан четлаштиради. Аслида жамиятнинг асосини, унинг туб негизи, яъни бош бўғинини фақат ижтимоий ишлаб чиқариш ташкил этади. Оиланинг тарихий тараққиёти, унинг тегишли шакллари заминида ҳам худди ана шу омил ётади. Демак, жамиятни, жумладан, унинг муҳим табиий-ижтимоий бўғини бўлмиш оилани ривожлантириш биринчи галда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тақозо этади.

Бундан ташқари, XIII ва XIV бобларнинг ўринларини алмаштириб қўйилса, тўғрироқ бўларди. Чунки одамлар жамоат бирлашмаларига уюшишларидан олдин оилада туғиладилар, ўсадилар, вояга етадилар. XIII бобнинг номини эса «Сиёсий партиялар ва жамоат уюшмалари» деб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки турли-туман манфаатларни қондириш йўлида ташкил топадиган уюшмалар ҳам хилма-хил бўлиб, улар орасида бевосита сиёсат билан шуғулланадиганларининг энг олий шакли — партиялар эканлиги сир эмас. Шу боис бу ҳол Лойиҳада ҳам ўзининг тегишли ўрнини топиши лозим. «Уюшмалар» деб аталиши эса, бизнингча, уларнинг ташкил топишидаги фаоллик ҳамда ихтиёрийликка кўпроқ ишора қилган бўларди.

Лойиҳанинг 90-моддасидаги «Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туради...» деган жумла қатор саволларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, Президентликка номзод сайловларда партия вакили сифатида қатнашадими ёки йўқми?

Иккинчидан, нега Президентликка партиядан номзод қилиб кўрсатилган, сўнгра сайловларда ютиб чиққан киши уни ғалабага олиб келган партия билан алоқасини узиши керак? Бу нима беради? Ахир халқ худди шу партиянинг Дастури, унинг сайловолди ваъдалари ва номзоди учун овоз берган-ку! Бу назаримда, ҳамма ва ҳар бир партия учун ҳам тааллуқли.

Учинчидан, агар Президентликка номзод партиядан кўрсатилмайдиган бўлса, у ҳолда умуман партияларнинг нима кераги бор? Наҳотки партиялар фақат кимнингдир хом хаёли билан ёки бекорчиликдан келиб чиқса?

Тўртинчидан, нима учун биз партияларда, уларга мансубликда фақат ва албатта, қандайдир ғаламислик, қалбакиликни, сиёсий маккорликларни кўришга мойилмиз? Судьяларнинг сиёсий партияларга аъзо бўлишларини таъқиқловчи 111-модда ҳам инсон эркинликлари ва ҳуқуқларига зиддир... Нега айни шу соҳада сиёсий партияга аъзо бўлиш мумкин эмас?

Жамиятда турли-туман, яъни шахсий, гуруҳий, миллий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий ва ҳоказо манфаатлар мавжуд бўлар экан, одамлар бундай манфаатларини қондириш мақсадида ҳар хил уюшмаларга бирлашишлари табиийдир. Ана шундай уюшмаларнинг энг мукаммаллашган шакли сиёсий партиялар бўлиб, улар асосан, ҳокимият учун кураш мақсадида юзага келади. Пировардида партияларнинг қандай бўлиши эса уларни тузувчилар ва қўллаб-қувватловчиларнинг кимлар, қандай кишилар эканлигига бориб тақалади. Кенг халқ оммасининг онги, дунёқараши, оқ-қорани таниб олиш қобилияти ўсиб бориши партияларнинг ҳам мазмуни, сифатини ўстирувчи бош омилдир.

Лойиҳа 92-моддасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини аниқловчи 12-хат бошисида «вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди», дейилган. Бизнингча, Президент тавсиясига кўра, тегишли депутатлар кенгаши вилоят ҳокимини сайлаганидан ёки вазифасидан озод қилганидан сўнг уларни Президент томонидан тасдиқланишининг кўзда тутилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Лойиҳада яна баъзи эътирозли ўринлар учрайди. Улар, фикримизча, асосан қуйидагилардан иборат:

— Сарлавҳадаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»дан кейин қавс ичида «Асосий Қонуни» деб ёзиб қўйиш керак;

— Муқаддима ва лойиҳа матнининг бошқа жойларида «Халқаро ҳуқуқ» тўғрисида гап кетганда унинг «умумий эътироф этилган қоидалари» қисмини олиб ташлаш лозим;

— чет тиллардан кирган, аммо бемалол ўзбекчасига алмаштириш мумкин бўлган сўзлар кўплаб учрайди (суверен, норма, органлари, принциплар, материаллар комиссия, бюджет, кредит ва ҳоказолар);

— иккинчи бўлимнинг номидаги «Инсон ва»... сўзларини чиқариб ташлаш керак;

— 46, 47, 48, 49-моддаларни таҳрир қилиш орқали мазмунан 45-моддининг таркибига киритиб юбориш мумкин;

— Лойиҳани янада такомиллаштириш, таҳрир қилиш, кўплаб жузъий жиҳатларни махсус қонунлар зиммасига юклаш ҳисобига унинг ҳажмини анчагина қисқартириш мумкин ва ҳоказо.

Ўз миллий истиқлолининг таг-заминини мустаҳкамлашни ва ёрқин истиқболини кўзлаб одимлаётган Ўзбекистон халқи мамлакатимиз Асосий Қонуни лойиҳасини кенг кўламда муҳокама этишга киришар экан, «Етти ўлчаб бир кес», деган доно ўгит беихтиёр ёдингга келади. У гўё эндиликда алоҳида маъно, мазмун касб этаётгандай. Буюк алломаларининг табаррук номи аллақачонлар жаҳон узра баралла янграган, бағри кенг, танти халқимиз кўҳна, бой ўтмиши, масъулиятли ҳозирги куни ва саодатли келажагига монанд ўз давлатининг Асосий Қонунини яратишга ишонамиз ҳамда бундай ҳайрли ишда биз барча пок ниятли кишилар билан елкадошмиз.

А. ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори.

Сайҳунобод районидаги «Бирлашган» жамоа хўжалиги пахтазорларида йиғим-терим суръати кун сайин оширилмоқда. Хирмонга барака киритаётган чевар теримчилар орасида Г. Ҳожиева ҳам бор. У кунига икки юз килограммгача «оқ олтин» термоқда.

Р. ЖАЪФАРОВ олган сурат.

● ҚАШҚАДАРЁ

ТУРКИЯДА ЎҚИЙДИГАН БЎЛИШДИ

● ХОРИЖИЙ мамлакатларда ўқиш учун Қашқадарё вилояти ҳунартехника билим юртлари талабаларидан бир гуруҳи бир неча фанлардан синовдан ўтишди.

Улардан 6 нафари Туркиядаги лицейларда ўқиш имкониятига эга бўлди. Синовдан муваффақиятли ўтганлардан уч киши Шаҳрисабздаги 35-махсус ҳунар-техника билим юрти талабаларидир. Улар Туркияда уч йилу икки ой мобайнида дастлаб турк тилини ўрганиб, қурувчи-муҳандислик мутахассислигини эгаллайдилар. Сарф-харажатларни республикамиз ўз зиммасига олган.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕСПУБЛИКА МУЛКИ—МУҚАДДАС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қарорда таъкидланганидек, кўрилган чоралар қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини республикадан ташқарига ғайриқонуний йўл билан олиб кетишни камайтиришни таъминламаяпти. Йил бошидан буён белгиланган тартибни 10 минг мартадан кўпроқ бузиш ҳоллари аниқланди, бунда 707 миллион сўмлик маҳсулотни республикадан ташқарига олиб кетишга ҳаракат қилинган.

Республика четга сотадиган пахта толаси, момиқ, пилла, жун ва бошқа қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёларини, рангли металларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишда суиистеъмолларга йўл қўйилмоқда.

Шу даврда 214 миллион сўмлик пахтачилик маҳсулотларини ғайриқонуний йўл билан олиб кетишга уринишларга чек қўйилди.

Истеъмол бозорида кескин аҳвол юз берган бир пайтда валюта эвазига сотиб олинган чой, қанд-шакар, ун каби озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмоли молларини, шунингдек, ўсимлик ёғи, сарёғ, асал ҳамда талаб катта бўлган бошқа молларни, шу жумладан, бинокорлик материалларини, металл конструкциялар ва техника ускуналарини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари давом этмоқда.

Шу билан бир вақтда, Вазирлар Маҳкамасининг таъкидлашича, Ўзбекбирлашув, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, «Ўзбекнефтмаҳсулот», «Ўзбекметалл» концернлари, «Ўзпахтасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари республика аҳолисини маҳсулотлар билан таъминлашда юз берган кескин аҳволга яраша ташвиш чекмаётирлар.

Қарорда «Ўзпахтасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларининг ҳокимликлари товар-моддий бойликларни жўнатиш устидан қаттиқ назорат ўрнатмаганликлари таъкидланади.

Айрим вазирликлар, идоралар, концернлар, маҳаллий бошқарув идоралари зарур ҳужжатларни пухта ўрганмай туриб, товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишга руҳсатномалар бермоқдалар, ижозатнома беришда ҳуқуқидан қандай фойдаланилаётганини суст назорат қилмоқдалар. Маҳсулот олиб чиқиб кетишга руҳсатнома бериш ўзларининг иши бўлса ҳам бундай руҳсатни олиш учун аризачиларни кўпинча юқори идораларга юбориб ортиқча сансалорликни вужудга келтирмоқдалар.

Қарорда Давлат божхоналар комитети ишидаги нуқсонлар ҳам кўрсатилган. Божхоналар комитети вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатмаган. Комитет ходимлари орасида олиб бориладиган ишлар, ходимларни танлаш ва жойжойига қўйиш анча яхшилашга муҳтож.

Божхоналар томонидан мусодара қилинган товар-моддий бойликларни сотиш юзасидан шу вақтгача аниқ тартиб ва қаттиқ назорат таъминланмаган.

Қарорда таъкидланишича, оммавий ахборот воситалари ички бозорни ҳимоя қилиш муаммоларини, божхоналарнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ва маҳаллий бошқарув идораларининг бу соҳадаги кундалик фаолиятини етарли даражада ёритмаяпти.

Ҳукумат қарорлари бажарилишини тегишлича назорат қилишни таъминламагани, белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини таъминлайдиган узил-кесил чоралар кўрмагани, бу ишда катта нуқсонларга йўл қўйгани учун Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари ўртоқ К. Н. Ортиқмуродовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Бундай воқеаларга яна йўл қўйилган тақдирда унинг лавозимида қолиш-қолмаслиги масаласи кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Самарқанд шаҳри ҳокимининг ўринбосари ўртоқ Ф. Н. Ғиёсов қаттиқ огоҳлантирилди.

Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари ўртоқ Т. Р. Қиличов, Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари ўртоқ М. А. Алимов бу ишда камчиликларга йўл қўйгани кўрсатиб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига Давлат божхоналар комитетининг товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб кетиш тартибини таъминлаш ишидаги камчиликлар ҳақидаги материаллари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. Н. Шамшетовнинг шахсий жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиш топширилди.

«Ўзбекметалл» концерни, «Ўзпахтасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзлегснабсбит» Бош бошқармаси, «Ўзшартномасавдо» давлат уюшмаси, «Ўзбекнефтмаҳсулот», концерни, «Ўзбексавдо», Ўзбекбирлашув, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлиги раҳбарлари ҳам ўзларига қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳсулотни олиб кетиш тартибига риоя этишлари учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида қаттиқ огоҳлантирилдилар. Уларга хом ашё ва маҳсулотларни ғайриқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишга кўмаклашаётган, ана шу мақсадлар учун транспорт ажратиш чоғида суиистеъмолга йўл қўйган шахсларга нисбатан энг қаттиқ чоралар кўриш зарурлиги айтилди.

Вазирликлар ва идораларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг раҳбарларига, ўзларига қарашли корхоналарда, аввало, кичик ва қўшма корхоналарда, ташкилотларда, муассасаларда товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб кетиш билан боғлиқ ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш, ғайриқонуний йўл билан маҳсулот олиб кетиш ҳолларини бутунлай истисно қиладиган узил-кесил чоралари кўриш, транспортдан фойдаланиш қоидалари устидан тегишли назоратни амалга оширмаган раҳбарларни лавозимидан бўшатишгача жазолаш топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси «Ўзшартномасавдо»га тегишли вазирликлар ва идоралар, маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда бир ой муддатда хом ашё ва маҳсулотларни ғайриқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишнинг олдини олишга, мусодара қилинган товар-моддий бойликларни сотиш устидан қаттиқ назорат ўрнатишга, вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий бошқарув идораларининг республика ички бозорини ҳимоялаш ишларини мувофиқлаштиришга доир маъмурий ва иқтисодий чораларни кўзда тутадиган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни топширди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхоналар комитетига ўз фаолиятини асосан хом ашё, қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари ғайриқонуний равишда олиб кетилишининг олдини олишга қаратиш топширилди. Олиб кетилаётган юкларнинг декларацияси тўлдирилишида ва бу маҳсулотларни олиб кетиш қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни текшириш, республикадан ташқарига юк ташийдиган автотранспорт воситаларини, темир йўл составларини, самолётлар ва дарё кемаларини текшириш ишида юксак маҳорат таъминлансин, ушлаб қолинган юкларнинг сақланишини ва белгиланган тартибда топширилишини таъминлайдиган амалий чоралар кўрилсин.

Тегишли руҳсатнома олмай туриб, маҳсулотларни олиб чиқиб кетишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида меҳнат жамоалари орада, оммавий-ахборот воситасида истиқомат жойлари орқали тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилсин. Ходимлар билан ишлашни, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишни яхшилаш, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишни, божхона хизмати ходимлари ваколатларини ошириб юборишни истисно қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қарорда Божхоналар комитети вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан мустаҳкам алоқани таъминлаши, уларни тез-тез хабардор қилиб туриши, республикадан ташқарига олиб кетилаётган товар-моддий бойликларни ушлаб қолиш ҳолларини биргаликда муҳокама қилиш ва уларнинг ҳар бири юзасидан тегишли чоралар кўриш лозимлиги таъкидланади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига, Ўзбекистон Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясига, республика газеталарининг муҳарририятларига ички бозорни ҳимоя қилиш муаммоларини, маҳсулотларни ғайриқонуний олиб кетиш ҳолларига доир материалларни тез-тез ёритишни тавсия қилди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитетига, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига, Ўзбекистон республикаси Олий судига қонунларга риоя этилишини ва республика ҳукуматининг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишга доир қарорларининг бажарилишини, судларнинг товар-моддий бойликларни ғайриқонуний равишда олиб кетиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқишга доир фаолиятини назорат қилиб боришни кучайтириш, ва бу назоратни қаттиқ йўлга қўйиш зарурлиги, маҳсулотларни ғайриқонуний равишда олиб кетиш сабабларини аниқлаш ва бунга кўмаклашган шахсларни жавобгарликка тортиш учун оператив чоралар кўриш тўғрисида мурожаат қилди.

Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари — Вазирлар Маҳкамасидаги мажмуаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилди.

• ФЕЛЬЕТОН •

ҚАЛЛОБЛАР

ЕКИ КЎПНИНГ РИЗҚИНИ ТУЯ ҚИЛАЁТГАНЛАР

Халқимизда «Ишламаганнинг ейишини, текин топганнинг ташишини кўр», деган ибратли нақл бор. Бизнинг «қаҳрамонлар» ҳам текинга ўч, меҳнатсиз келган мўмай пулга муккасидан кетганлар тоифасидандир. Акс ҳолда улар бу қадар пул ортидан қувиб, халқнинг ризқ-насибасини тўрт томонга ташимаган бўлишарди. Ташмачиликда устаси фаранг, олибсотарликда юлдузни бенарвон урадиган бундай шахслар ҳозирги пишиқчилик, тўкин-сочинлик пайтида қандай бўлмасин бойлик орттириш, ўзиникини ўғирлаб ўзгага элтиб бериш талвасасидадир. Энг ачинарлиси — жумҳуриятимизда иқтисодий танглик сезилаётган, озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан турли сабзавот ҳамда мевачевага талаб-эҳтиёж мунтазам ошаётган бир пайтда бундай ташиб кетишлар, республика мулкига хиёнат қилишларининг тобора кўпайиб бораётганидир...

Валерий Тимочкин Самарқанд тери ошлаш ва ишлаб чиқариш заводида биноийдек ишлаб юрувди. Нима бўлдию у ҳам текин пул топиш ишқига тушиб қолди. Натижада кимлар биландир тил бириктиришга, ҳамиртдан қил суғургандек ҳуфёна иш битиришга аҳд қилди. Унинг бу найрангидан чув тушганлар Самарқанд районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги сабзавоткорларидир. В. Тимочкиннинг «чақон»лигини қарангки, мана шу хўжаликдан 10 тонна пиёзни айтарли сув текинга қўлга киритди. Бироқ ҳийла-найранги кўпга бормади. У ана шу юкни республика ташқарисига олиб чиқаётганда қўлга тушди ва бу сабзавот маҳсулоти ноқонуний бўлганлиги учун Зарафшон шаҳар ишчи таъминоти идорасига топширилди.

Ёки шу тери ошлаш заводининг яна бир шофёри Қудрат Раҳмонов ҳам қинғир ишга қўл уриб, кўпнинг олдида юзи шувут бўлди. У ҳам Валерий каби Куйбишев жамоа хўжалигидан 8 тонна пиёзни Зарафшон шаҳри орқали яширинча олиб кетаётганда сезгир ДАН ходимлари томонидан ушланди. Унда ҳам олиб қочилаётган маҳсулотнинг бирон бир қонуний ҳужжати йўқ эди. Хўш, буни қандай тушунмоқ керак? Нима Самарқанд тери заводида машиналарни ёхуд шофёрларни назорат қилувчи бирор мард йўқми? Ёки Самарқанд районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги бутунлай бедарвозами? Наҳотки бу хўжаликда сабзавот маҳсулотлари шунчалик эгасиз бўлса?!.

Фақат пиёзми дерсиз, йўқ албатта! «Ишбилармон» шофёрлар кейинги бир ярим ой давомида биргина Навоий вилоятининг ўзидан 263 тонна тарвуз, 180 тонна қовун, 2234 килограмм буғдой, 2170 килограмм ун ва кўплаб бошқа маҳсулотларни республика ташқарисига олиб кетишга уринишган. Яхшиям назоратчи йўл постларида ҳушёр эдилар. Аслида текин даромадга муккасидан кетганлар ер усти тугул, ернинг тагидаги йўлни ҳам беш бармоқдек билишади. Чунки, қулайроқ, хавф-хатарсиз йўл панд бермайди. Ана шундан бўлса керак, Навоий вилоятидаги Нукус йўлида олғирлар, ташмачилар ғимиллаб қолишди. Шу йўналишда жумҳурият мулкини ўғирлаб кетишга уринишлар ниҳоятда кўп бўляпти. Масалан, яқингинада «тадбиркор» Исмоил Тошев Хатарчи район тайёрлов идорасига қарашли «КАМАЗ—5320» маркали машина билан 7 тонна олмани Санкт-Петербург шаҳрига олиб кетаётганида тўхтатилди. Ёки шу йўналишдан 15 тонна олмани республика ташқарисига олиб кетаётган «учар шофёрлар» — Андрей Ким ва Эргаш Шодмоновлар ҳам ўз вақтида ушланди ва маҳсулот вилоят меҳнаткашларига арзон нархларда сотилди. Худди шундай вилоят қишлоқ хўжалик техникалари районларарО ишлаб чиқариш бирлашмаси шофёри Алим Раҳмонов ҳам ўзига қарашли давлат номери 37-74 НВМ бўлган «КАМАЗ» билан 15 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Уфа шаҳрига олиб кетаётганда «ови» юришмади. Бундай ўз халқини алдаб кўпнинг ризқини туя қилаётганлар қаторига Ғулом Янгибоев, Бахшилло Умиров каби шофёрларни ҳам қўшиш мумкин.

Яна бир қатор қўли олти, оёғи етти «ишбилармонлар» топилиб қолдики, улар ишни деярли чўрткесарликдан бошлашади. Бунга мисол қилиб Навоийдаги Зарафшон шаҳар қурилиш-монтаж участкаси раҳбари Наримон Рамазоновни кўрсатиш мумкин. Бу кишининг «саҳий»лигини қарангки, ҳамтовоғи Петр Казаковга (Казаков ҳозир Россияга кўчиб кетган) қиймати 10 минг 930 сўм бўлган юк жойланадиган ёғоч яшикларни совға тариқасида бериб юборган. Наҳотки, қурилиш ўчасткасидан қиймати — қирон, ниҳоятда тақчил яшиклар сув текинга республикадан ташқарига чиқариб юборилса? Худди шунингдек, Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кичик корхонаси бошлиғи М. Помазин ҳам мўмай пулга ўзини томдан ташлайдиганлар тонфасидан. У нақд 35 минг сўмлик латун типидаги 20 тонна қувурларни Новосибирск шаҳридаги «Веста» фирмасига 100 минг сўмга пуллаб юборган. Ҳаш-паш дегунча унинг ҳамёнига 65 минг сўм «кирим» бўлган. Мана, сизга ҳотамтойлик! Ҳозир тоннаси тугул бир метри анқонинг уруғи бўлиб турган қувурлар ўзимизга ҳам керак-ку?!. Товба, бирлашмадан қандай қилиб, бунча қувурлар ҳуфиёна олиб кетилган? Нима, бирлашмада шу қадар ўзибўларчиликми?

Ер қаттиқ бўлса ҳўкиз-ҳўкиздан кўради, замон оғир бўлса савдогар савдогардан, деганларича бор экан. Бозор муносабатлари, эркин нарҳлар бўлувдики, чайқовчию олибсотар ўзиникини юлиб, четга сотишга муккасидан кетди. Бундайлар тоифасига шофирконлик Одил Баҳромов, Имом Бекжонов, Эркин Ориповларни ҳам қўшиш мумкин. Улардан ўн кило ёхуд юз кило эмас, роппа роса 1150 килограмм қора ёғ мусодара қилиниб, Қизилтепа район тайёрлов идорасига топширилди. Хўш, бу ёғ қаердан олинган? Нега энди бу маҳсулот халққа эмас, қаллобларга теккан, ғиждувонлик Раҳматилло Қудратов эса хамиртурушфурушликда устаси фаранг экан. Айни тақчиллик пайтида у қайсидир йўл билан 17 килограмм хамиртурушни қўлга киритган. Бироқ хамиртуруш хамирни ачитмай туриб, Қудратовнинг ўзи ачиб қолди. Юлғичлик ва олибсотарликда Сайфулло Асадов ҳамда Барот Аҳмедовларга ҳам тенг келадигани йўқ. Улардан 24 та чет элда ишланган эркаклар курткаси, 20 та адидас чиқди...

Хуллас, қиссадан ҳисса шуки, кўпнинг ризқини туя қилаётганларни, жумҳурият мулкини четга ўғирлаб сотаётганларни фош қилишни, уларнинг исмя-шарифларини бирма-бир қайд этишни яна давом эттиравериш мумкин. Бироқ бизни ташвишга солаётган бошқа жиҳат нега энди бундай ноҳуш аҳволга асосий кўпчилигимиз томошабинмиз? Наҳотки, ташқарига ташиб кетишлар билан фақат маъмурий органлар ёхуд йўл назорати ходимларигина шуғулланишса? Ахир қани бу ерда кенг жамоатчиликнинг кўмаги? Бизнингча, у ёки бу халқ мулкини ўғирлаб кетишларга айрим мутасадди раҳбарларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлишяпти. Агар раҳбарлар қаттиққўл бўлишса, автокорхонадан машина ёки пайкалдан маҳсулот чиқиб кетмасди. Ҳатто уялмай-нетмай шофёрларга ғишт заводига бетон ёки цемент ташишга, қурилишга деб йўл варақалари ҳам ёзиб беramиз. Ахир, бу жиноятга шериклик ёки текин топилган пулга илҳақлик эмасми?

Ҳа, ташаббусни бутун жамоатчилик қўлга олмоғи керак. Акс ҳолда текинхўрлик, қаллоблик яна давом этавериши мумкин. Ишонамизки, бизнинг бу фикримизга азиз муштарийлар ҳам бефарқ қарашмайди.

Р. КАРИМОВ,
Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Абдулла ОРИПОВ
Ўзбекистон халқ шоири.

ХОТИРА

Минг афсус... минг афсус...
Чори отли шоир укам оламдан ўтибди.
Яқиндагина Қаршида, «Насаф» нашриётида менинг бир жилдлик китобга шеърларимни йиғиб, чоп этиш тараддудида елиб юрганди. Мен бу инимнинг беадад дардга мубтало бўлганлигини — иккала буйрагини ҳам шамоллатиб қўйганини билмагандим. Афсуски, бу қўш дардни ҳали ҳеч ким даф қилолмаган.
Ўлим ҳақ. Не ҳам, дердик. Истеъдодли шоирдим хотирасига бўзлаб байтлар айтаман, холос. Чори Аваз хотирасига...
Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин!

ЧОРИЖОН МАРСИЯСИ



Ҳар ким ҳам дунёдан ўтади.
У ё шоҳ ё гадо бўлмасин.
Қазойнинг қалбимни ўртади.
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин!..
Ахир у энг аввал инсондир.
Қавмига қадрли бир жондир.
Устози орзуманд осмондир,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин.
Сен ўйчан юрардинг, Чоржон
Ўйлардим — илҳомга ёри жо
Айтмовдинг, енгибди дард пинҳон,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин.
Ғузорининг даштида оламдек,
Армонинг сочди оқ толамдек,
Беғубор эдинг бир боламдек,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин...
Шеъринят, ҳамроҳсан биз ила,
Уйингда рўй берди зилзила,
Бу не ҳол, баҳорда зилзила,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин.
Шоир хоҳ ёшдир, хоҳ қариндир,
Ижоди ажалдан нариндир.
Аламдир, барибир аламдир,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин!

АДОЛАТ ЙЎЛИ — ҲАҚ ЙЎЛ

«Ўзбекистон овози» газети бош муҳаррири Шароф Убайдуллаевнинг Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси раиси, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф билан суҳбати

— Муҳтарам муфти ҳазратлари! Совет Иттифоқи тарқалиб, колониал ўмариш сиёсатидан путур кетгач, кўпгина ўлкаларда халқлар ўзларининг мустақиллик йўлларини белгилаб олдилар. Бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам катта тарихий ўзгаришлар юз беряпти. Узоқ йиллар мобайнида топталган қадриятларимиз қайтадан тикланиб, миллий адолат қарор топмоқда. Бугунги улуғ жараён ҳақида чуқур мушоҳада қилар эканмиз, ўтган кунларимизга теран бир назар ташласак ва ислом динида адолат тўғрисида қандай фикрлар билдирилганлигини бугунги кунда яна бир бор эслаб, англаб олсак, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Суҳбатимизни тарихимизнинг ўтган оғир ва аянчли саҳифаларидан бошласак.

— Ўтган узун ва изтиробли йилларни эслаш бугунги авлод учун катта маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Россиянинг салкам бир ярим асрлик мустамлакасидан кейин бугун Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқларнинг, хусусан мусулмонларнинг бахти чинакам кулиб боқди, деб баралла айтишимиз мумкин. Аллоҳ таоло бугунги кунда биз билан сизга Ислом Каримовдек улуғ ва жасоратли, айни пайтда бир сўзли, халқпарвар, адолатпарвар, етим-есирлар, бева-бечораларнинг бошини меҳрибонлик билан силай оладиган раҳбарни ато этди! Бу эришган бахтимизнинг умри боқий бўлсин ва ҳаммамизга узоқ йиллар хизмат қилсин.

Ўзингизга маълумки, яқинда парчаланган ва емирилган тузум ҳукмронлиги пайтида бизда эътиқодсизлик энг катта миллий фожиага айланди. Мавжуд тузум ғоясини байроқ қилиб келган кишиларнинг авлиёси ҳам ўз фалсафаларини чуқур англаб етмай, оқимга қараб яшайвердилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган экан, бу тарихий воқеа муҳтарам Ислом Каримов жанобларининг беқиёс катта хизматлари, жасоратлари билан боғлиқдир.

Ислом ака Каримовнинг собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб, унинг ўрнида мустақил давлатлар пайдо бўлишида ва шаклланишида муносиб хизматлари бор деб биламан. Горбачев ҳали ўз тахтидан қуламай туриб, Ўзбекистоннинг биринчи ва ҳақиқий ҳамда адолатли Президенти бўлиб Ислом ака сайландилар. Бу кишининг ушбу муборак лавозимга сайланаётганидаги қувончли дақиқаларнинг нақадар чуқур маъноси ва мазмуни бор эди. Ўша куни бу ҳайратомуз воқеанинг аҳамиятини биров яққол сезди, биров эса пайқамай қолди. Чиндан ҳам у кишининг мустақил мамлакатимиз Президенти лавозимига сайланиши маросими ва сиёсий аҳамияти қонуний даъво, тарихий тақдир эди. Ахир ўша пайтда бир президент устида иккинчи президентнинг туриши мумкин эмаслиги ҳаммага маълум бўлиши билан бирга бу иш ўзининг қонуний ва адолатли ифодасини топди деб ишонар эдик. Ана ўшанда Ислом Каримов катта адолат йўлидан собит қадамлар қўйганлигига бутун жаҳон оммаси гувоҳ бўлди ва тан бериб турибди.

Мен қанчадан қанча ҳорижий элларда бўлганман, катта давлат арбоблари ва уларнинг бошлиқлари билан суҳбатлашганман. Ана шунинг учун ҳам бизнинг раҳбаримиз фаолиятида жаҳоний раҳбарликнинг аломатлари порлаганлигини кўрдим. Бундай раҳбарларга хос тўғри баҳо берилган ҳикматли сўзлар диний китобларда маржондек битиб қўйилган. «Подшо бамисоли Тангрининг ердаги соясидир. Кимки уни иззат-икром қилса, Тангрини иззат-икром қилган бўлади. Агар кимки уни хорласа, гўё тангрини хорлаган бўлади».

— Адолат ҳар бир жамиятда ҳукм суриши лозим бўлган қонундир, орзудир, эзгуликдир. Ана шу ҳақда фикрларингизни давом эттирсангиз.

Расулуллоҳнинг ҳадиси шарифларидан бирида: «Нажот берувчи нарса учтадир: ғазаб ва розилик пайтида адолат қилмоқлик, яширин ва очиқчасига Аллоҳдан қўрқмоқлик ва камбағаллик ҳамда бойлик пайтида ҳам тежамкорлик қилмоқлик». Ушбу ҳадисдан кўринаётганидек, доимо адолат йўлини тутмоқлик нажот кафолатини беради.

Мусулмон халқлари тарихи адолат йўли билан чамбарчас боғлиқ, десак муболаға бўлмайди. Тарихдан биргина мисол келтирсак, бу маъно янада равшан бўлади.

Қутайба ибн Муслим раҳбарлигидаги мусулмонлар Самарқандга ҳа йўқ, бе йўқ жойлашиб оладилар. Шунда ўша пайтда бошқа динга эътиқод қилувчи Самарқанд аҳоли ва унинг аёнлари йиғилишиб, бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилишиб, нима чора кўриш керакligини кенгаш қилишади. Натижада «Мусулмонлар динининг қоидаси бўйича улар бирор юртга фатҳ учун борсалар, аввало ўша юрт аҳолисига Исломни қабул қилишни арз қиладилар, бу ишга кўнмасалар жизя беришга рози бўлиб, йўлни очиб қўйишни сўрайдилар. Агар бу иккисига ҳам кўнмасалар унда урушни таклиф қилмоқчи бўладилар. Аммо Қутайба ва унинг одамлари мазкур уч ишдан бирига ҳам амал қилмадилар. Ўз динлари Исломнинг таълимотларига хилоф йўл тутиб, қонун-қоиданларни бузиб, тўғридан-тўғри Самарқандни эгаллаб олдилар. Биздаги хабарларга қараганда Исломда адолат алоҳида ўрин тутар экан. Шунинг учун «мусулмон давлатининг бошлиғига шикоят қилишимиз зарур», деган қарорга келадилар. Шундоқ қилиб, ўша пайтдаги мусулмонлар халифаси Умар ибн Абдул Азизга аҳли Самарқандининг энг номдор фотиҳларидан бири Қутайба ибн Муслим устидан шикоятлар етиб борди. Халифа бу ишни кўриб чиқишни қозиға топширади. Зудлик билан чопар Ислом давлатининг марказидан Самарқанд томон ҳукмни олиб равона бўлади. Чопар Самарқандга кириб келганда, Қутайба отининг эгар жабдуқларини созлаб, ҳозирлаб турарди. Қутайба чопарнинг қўлидаги номани, асл арабий дулдул ёнида тик турган ҳолда қабул қилиб олади. Номани очиб, «Қўлингга ушбу нома тегиши билан тезда Самарқандни ташлаб чиқиб кет!» деган қисқа, шиддатли ва энг муҳими илоҳий адолат асосида чиқарилган ҳукмни ўқийди. Кўпни кўрган мужаффар саркарда яшин тезлигида отига миниб, ўзи ғолиб бўлиб турган юртнинг мағлуб халқи олдида ўз йигитлари билан бош эгиб Самарқандни ташлаб чиқиб кета бошлайди. Мусулмонлар шаҳар ҳудудидан батамом чиқиб бўлганларидан сўнг Самарқанд аёнлари ортларидан етиб келиб, уларни тўхтатадилар ва агар Ислом шундоқ бўладиган бўлса, мусулмон бўлганимиз бўлсин, деб калима келтирадилар. Бир-бирига душман бўлган икки қавм бир онанинг фарзандларидек аҳил-иноқ ва шоду ҳуррам ҳолда шаҳарга қайтадилар.

Ҳа, Адолат йўли улуғ йўл, душманни дўст, халқларни аҳил ва бирдам, дили қорани пок қалбли қиладиган йўлдир.

— Ҳозирги пайтда жўшқин ва айни пайтда бироз тахликали даврда яшаб турибмиз. Турли минтақалардан олинаётган хабарлар ҳам қувончли ва ҳам ташвишлидир. Тўғри, ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ. Ҳар бир одам ойнинг ана шу ёруғ томони умиди билан яшайди. Шундай экан, ушбу воқеаларни дин арбоби сифатида кузата туриб нималар дея оласиз!

— Ҳозир атроф мамлакатларда тўс-тўполон, меъёрлар чалкашиб кетган, оқдан қорани, тўғридан нотўғрини ажратиш мушкул бўлиб қолган пайтда биздаги адолатли иш янада муҳимдир. Узоқ давом этган адолатсизликдан сўнг бирданига бу азалий эзгуликни рўёбга чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Лекин қанчалик қийин бўлмасин, адолат йўлини — ҳақ йўлни тутишимиз лозим. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Қуръони қаримда марҳамат қилиб айтадики: «Эй, иймонлилар! Адолат йўли билан турувчи, Аллоҳ учун гувоҳлик берувчи бўлинглар. Агар у сизнинг ўзингизга, ота-онангиз ва яқин кишингиз зарарига бўлса ҳам». Демак, ўзининг ота-онасининг ҳамда қариндош-уруғининг фойдасини кўзлаб адолатсиз бўлишга, ёлғон гувоҳлик беришга рухсат йўқ экан.

Маълумки, адолат тушунчаси кенг тушунча бўлиб, у ота-онанинг ўз фарзандларига бўлган муносабатидан тортиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳозирги кўп қиррали барча ҳаётини, халқаро ҳамжамиятлар ва давлатлараро муносабатларни ҳам қамраб олади. Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан сўнг, бошқа кўплаб эзгуликлар қатори ҳақиқий адолат йўли — улуғ йўл ҳам ўз ўрнига туша бошлади. Бу ҳаммамизнинг буюк орзуларимиздан биридир. Тезда мавжуд қийинчиликлар барҳам топиб, адолатнинг барча ҳайру баракасидан бутун эл баҳраманд бўлиши аниқдир.

— Сиз адолат тушунчаси давлатлараро муносабатларни қамраб олади, дедингиз. Қўшни Афғонистон тўғрисида фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Диёримизда мустақилликнинг дастлабки одимлари қўйилаётган бир пайтда ана ўша адолатли муносабатлардан бири Президентимизнинг қўшни мамлакатлар билан алоқани мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган сиёсатидир. Бунга Покистон Ислом жумҳурияти билан кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган алоқалар мисол бўла олади. Ён қўшнимиз Афғонистон билан яқиндан алоқада бўлишга катта ҳаракат бўлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Хусусан Ўзбекистонимиз Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон раҳбари, профессор Бурҳониддин Роббонийни расмий зиёрат билан диёримизга ташриф буюришга таклиф қилишлари алоҳида аҳамиятга эга эзгу қадамдир десам хато бўлмайди.

Қадимда бизнинг юртларимиз бир бўлган, орада чегара номли тўсиқ бўлмаган. Бемалол бордикелди, савдо-сотиқ бўлаверган. Буюк ипак йўли ҳам Афғонистон билан бизнинг юртимизни пайванд этиб турган. Шеърият мулкининг султони бобомиз Алишер Навоийнинг Хиротда маскан топишлари, яна бир буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам афғон тупроғида дафн қилинишлари фикримизнинг далилидир. Кейинчалик ҳам ўзаро алоқалар давом этиб келди. Фалакнинг гардиши билан юртимиз яна босқин остида қолди. Сўнгра даҳрийларнинг динни қатағон қилиши бошланди. Ўша пайтда юртимизнинг илмли, кўзга кўринган кишилари ва кўплаб улар билан бирга ҳижрат қилган халқимиз ва киллари Афғонистондан бошпана топдилар. Муҳожирларимиз ҳаммалари Афғонистонга ёки бу диёр орқали бошқа юртларга ҳижрат қилганликларини таъкидлайдилар.

Ватандошларимизнинг улуғларидан бири—аллома Абу Наср Мубошир Торрози Афғонистон шоҳига яқин маслаҳатчи бўлганлар. Шоҳнинг топшириқлари билан Саудия Арабистони ва бошқа ўлкаларга ўта муҳим топшириқларни бажаришга борганлар. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Туркистонни озод қилиш ҳаракати тузилиб, ватан озодлиги учун уринишлар ҳам бўлган. Кейинчалик ўзининг даҳшатли «Қизил қўшни»сидан ҳайиққан Афғонистон кўпгина тазйиқларга ҳам рози бўлиб, яхши қўшничилик алоқаларини олиб борган. Лекин буларнинг барчаси вақти келганда кор қилмади. 1977 йили «Қизил қўшни», «Афғонистон ҳукуматининг илтимосига биноан байналмилал бурчни адо этиш учун» деган ниқоб остида Афғонистон тупроғига бостириб кирди. Шунда Афғонистоннинг тинчгина ўз кунини кўриб юрган халқи ичида босмачилар, душманлар «дуҳ»лар, мутассиблар, усулийлар, озодлик душманлари ва бошқалар пайдо бўлиб қолди. Булар совет армиясига «байналмилал бурч»ни адо этишга тўсқинлик қилдилар. Дунёдаги энг «ростгўй» совет ташвиқоти эса қонхўр, одамнинг қонини ичмасдан туролмайдиган, ваҳшийликдан ўзга нарсани билмайдиган, «Душман» жангарларнинг қиёфасини яратди. Лекин оламда бошқача ўйлайдиганлар ҳам бор эди. Мағлубиятни тан олиб, аскарларни расман олиб чиқиб кетгандан сўнг ҳам «совуқ уруш» давом этарди. Қилар ишини қилиб бўлган совет ҳарбий қўмондонлари ваҳимада давом этардилар: Нажибга ёрдам бермасак, эртагаёқ жанубий чегараларни қўриқлаш учун ҳозирги уруш харажатларидан ҳам кўпроқ маблағ керак бўлади дейишарди. Фикрларини асослаш учун, жангарилар Масковгача бостириб бориш орзусидадирлар, деган баёнотларни келтирар эдилар. Кейинроқ ҳарбий асирлар ҳақида ҳаракатлар бошланиб кетди.

— Афғонистондаги ҳарбий асирларни озод қилиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларингиздан хабардормиз. Бу иш қийин кечаётгандек туюляпти, шекилли.

— Асирларнинг ота-оналари, қариндошлари ва турли жамиятлар илтимоси ила мен ҳам бу ҳаракатга бироз қўшилдим. 1990 йилнинг ҳаж мавсумида Маккаи Мукаррамада мужоҳидларнинг баъзилари мен билан учрашиб гаплашдилар, қониқиш ҳосил қилдилар шекилли, Жиддада турган раҳбарлари профессор Бурҳониддин Роббонийга телефон қилдилар ва мен билан учрашувга тарғиб этдилар. Эртасига у жаноб мен турган жойга ташриф буюрдилар. Суҳбат деярли бошдан охиригача Афғонистон муаммоси ҳақида бўлди. Мен асирлар ҳақида кўп сўрадим. У киши бу вақтгачалик муаммо эканлиги ва қўлидан келган барча ёрдамларини беришга тайёр эканлигини таъкидлади. Келажакда Афғонистон билан Ўрта Осиё жумҳуриятлари ўртасида яқин қўшничилик алоқаларини ўрнатиш зарурлигини ҳам эслатиб ўтдилар.

Ўша йилнинг ёзида Покистон Ислом жумҳуриятига айнан асирлар масаласида сафар қилиш мақсадида бу давлатнинг Масковдаги элчиси Абдусаттор жанублари билан бир неча бор учрашдим ва у киши катта ёрдам кўрсатдилар.

Пешоварда Сибғатуллоҳ Мужаддидий бошчилигидаги муваққат ҳукумат аъзолари билан учрашдик. Бу суҳбатда жуда ҳам кўп сиру-асрорларни билдик. У киши, асирлар масаласи ҳақида гап юритадиган бўлсак, Қобулдаги ўттиз мингдан ортиқ бизнинг асирларимиз ҳақида ҳам гапириш керак, дедилар. Афғонистон халқи бошига етган мусибатларни далил ва рақамлар билан исботлаб бердилар. Асирларни халқаро ташкилотларга берганмиз, олиб кетишган, баъзиларини ота-оналари келиб гаплашишди, болаларнинг ўзлари кетмаймиз, дейишди дедилар Мужаддидий жанублари. Исломободда Гулбиддин Ҳикматёр билан бўлган учрашувда ҳам у киши асирларни ҳузуримиздаги вақтинчалик меҳмонлар деди. Баъзилар мужоҳидлар ҳукуматни қўлга олиши билан СССРга ҳужум бошлайдилар, дейишмоқда. Бунга нима дейсиз, деган саволимга Гулбиддин Ҳикматёр қулиб: «Ақлли одам бундай қилмайди, бизнинг ҳисобларимизга қараганда Афғонистонни қайта тиклаш учун қирқ йил керак бўлади, қандоқ қилиб бошқа юртга ҳужум қилиш мумкин», деб жавоб берди. Гапнинг очиғини айтганда у мамлакатда бўлаётган бу келишмовчиликлар мужоҳидлар обрўсига путур етказади, деб ўйлайди. Шундоқ ҳам бўлиб чиқди. Ҳукуматни қўлга олган мужоҳидларнинг ўзаро келишмовчиликлари ҳаммани ҳайратга солди ва ҳафа қилди. Афғонистондаги нотинчлик ва тартибсизлик, Марказий ҳукуматнинг ишни ўз қўлига тўла олмагани, Тожикистонга чегара орқали баъзи қурол киритишга сабаб бўлди, деган кузатувчиларнинг гапларини эслаб ҳам ўтиш керак.

Бу йилги ҳаж давомида афғонистонлик бир гуруҳ ўзбек биродарлар асир йигитлар ҳақида сўзладилар. Баъзиларининг суратларини олиб келишган экан. Яна бошқаларнинг овозлари ёзилган магнит лентаси, суҳбатлари чиққан рўзномалар ва ҳоказолар. Наманганлик Қосимжон, андижонлик Рустамжон, туркманистонлик Муҳаммаджон ва бошқалар ҳақида сўзладилар. Кўпчилик йигитлар асл исмларини ўзгартириб олишган экан. Ҳозирги мудофаа вазири Аҳмад Шоҳ Масъуд ихтиёрида ҳам йигитлар бор эканлигини таъкидлашди. Баъзи асирларимиз қайтиб борсак қамаламиз, динга бемалол амал қила олмаймиз, каби фикрда эканликларини айтишди. Мен ҳақиқатни тушунтирдим ва бизнинг ҳисобимизда асирлар сони кўпроқ эканлигини айтдим. Хуллас, Афғонистон билан ҳамкорликда бундан буён қиладиган ишларимиз ғоятда кўп.

Буни Ўзбекистон республикаси ҳукумати ва унинг раҳбарияти, шахсан президентимиз Ислом Каримов бугунги куннинг қатор муаммоларидан оқилона хулосалар чиқариб, эртанги осуда кунимизни ва турмушимизни кўзлаб, яъни узоқ келажакни ҳозирданоқ кўра олиб, Роббонийга таклиф юборганидан билсак ҳам бўлади. Ўйлаймизки, Президентимизнинг бу ташаббуси туфайли ўрнатиладиган дўстлик алоқалари, яхши ниятлар барқарор ҳайр-баракани келтиради. Бу бўлғуси сафардан биз диндорларнинг ҳам умидимиз ниҳоятда катта.

— Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги қўшни республикаларнинг халқлари бизнинг ён қўшнимиз бўлган Тожикистондаги воқеалардан ғоятда ташвишланмоқдалар. Ўзбекистон ҳукумати бу тангликни осойишта тинч йўл билан ҳал этиш учун ақл-заковат билан катта жонбозлик кўрсатяпти. Бу миллионлаб кишиларнинг тинчлигини кўзлаб қилинаётган ҳаракатдир. Сиз шахсан Ўзбекистон ҳукуматининг бу ташаббусини қандай баҳолаган бўлур эдингиз!

— Ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан бири тинчлик, осойишталик десак, хато қилмаган бўламиз. Бу мақсадда ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоғимиз лозим. Аввало, Тожикистонда осойишталикка эришмоқ керак. «Қўшнинг тинч—сен тинч» дейди доно халқимиз, Тожикистондаги биродаркушлик урушини ҳамжиҳатлик билан тўхтата олсак, буюк иш бўлур эди. Шунинг учун ҳам барча диққат-эътиборимиз қўшни диёрда тинчликни ўрнатишга қаратилган. Мовароуннаҳр барча мусулмонлари ҳам ушбу мақсадни кўзлаган ҳар бир ҳаракатни қўллаб-қувватлайдилар. Ўзбекистон Президенти Ислом ака Каримов бу соҳада биринчи бўлиб катта савобли ишга қўл урдилар ва ўзларининг дадил саъй-ҳаракатларини кўрсатмоқдалар. У кишининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Гали жанобларига йўллаган мурожаатномада ҳаммамизни тўлқинлантирадиган жумлалар бор. «Минг афсус билан шуни қайд этамизки, минтақамизда миллий адоват сиёсати ва фуқаролар қарамақаршилиги уруғини сочиб жанжал чиқаришни истайдиган ташқи кучлар бор. Жаноби олийлари, БМТ унинг Хавфсизлик Кенгаши ўз аъзоларининг жаҳон ҳамжамиятининг диққат эътиборини Тожикистон ички ишларига аралашишга йўл қўймасликка қаратади, деб умид қилишга рухсат этгайсиз. Барча можаролар ва муаммоларни фақат сиёсий йўл билан ҳал этиш лозим. Ўрта Осиё жаҳон харитасидаги яна бир кескинлик чиққан жой бўлмаслиги керак, одамларни қурбон қилувчи навбатдаги аланга ловуллаб ёнмаслиги лозим. Бошқа давлатларнинг жуғрофий-сиёсий найранглари макони бўлмаслиги керак». Чиндан ҳам бу мактуб тарихий бўлиб қолди ва у жаҳон афкор оммасининг тилига тушди. БМТ вакиллари Тожикистонга келиб ҳақиқий аҳволни ўрганаётирлар ва бу тадбир яқин орада ўз самарасини беради, деган умиддамиз ва ўз навбатида яратган Парвардигордан худди, ана шуни ҳам сўраб турибмиз.

Алоқага шукур, ҳозир Ўзбекистонимизда осойишталик ҳукм сурмоқда, бундан кўпчилик хурсандмиз. Лекин бу ҳолатни ёқтирмаётганлар ҳам йўқ эмаслигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Диёримизда озгина бир нотинчлик, уруш-жанжалдан ўз манфаати учун фойдаланиб қолишга уринадиганлар йўқ, деб бўлмайди. Бундай қора ниятли кишилар турли восита ва услубларни ишга солишдан тоймайдилар. Жумладан, диндорларни ва хусусан диний идорани ҳам қурол қилиб олишга интилаётганлар борлиги ҳаммага ҳам аён.

— Ҳаётда барча мўмин-мусулмонлар дин арбобларига ихлос билан муносабатда бўладилар. Демак, шундай экан, эл-юрт ичида юз бериши мумкин бўлган нотинчликларнинг олдини олишда ёки бартараф этишда дин пешволари қўл қовуштириб туришмаса керак!

— Маълумки, Ислом тинчлик дини, Иймон-омонлик дегани. Лекин минг афсуслар бўлсинки, кўплаб мусулмонларнинг исломдан узоқлиги-ю, мўминларнинг иймондан бебаҳралиги, қолаверса, нуфузли ички ва ташқи ғаразгўй кучларнинг уриниши оқибатида бир қанча мусулмонлар яшайдиган минтақаларда тинчлик, омонлик йўқолиб турибди. Фаластин, Босна ва Герцоговина, Сомали, Афғонистон ва ниҳоят Тожикистон ва бошқалар.

Биз мусулмонлар бутун дунёда тинчлик, осойишталик бўлишининг тарафдоримиз, шу жумладан энг аввало ўзимизнинг киндик қонимиз тўкилган она-юртимизда неъмат доимо барқарор бўлишини хоҳлаймиз. Маълумки, кейинги йилларда замон нотинч бўлиб, турли сабабларга кўра ҳар хил минтақаларда рўй берган нотинчлик, уруш-жанжалларни тинчитишда мусулмон уламолар ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар баъзи вақтларда ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам юртнинг, халқнинг тинчлиги пайида бўлишмоқда.

Ҳозир вазият кескинлашиб қолган бир пайтда ҳам уламоларимиз юртимиз, халқимиз тинчлиги йўлида қўлларидан келган бор хизматларини адо этишга доимо шай бўлиб турибдилар.

Юртимизнинг тинчлигини кўра олмаётган баъзи кучлар турли йўллар билан, жумладан мусулмонларни ишга солиб, нотинчлик келтириб чиқариб, ўз мақсадларига эришишмоқчи эканлиги ҳаммага аён бўлиб қолди. Шунинг учун каттаю кичик, барча кишиларимиз хавф-хатарни сезган ҳолда қўлидан келган барча имкониятларни ишга солиб, эл-юрт тинчлиги учун ҳаракат қилмоғи лозим. Ўйламасдан айтилган ҳар бир гап, қилинган ҳар бир ҳаракат кутилмаган натижаларга олиб боришини унутмаслик керак.

Шу билан бирга бошқалардан ўрнак олиш зарур. Нотинч ва қон тўкилаётган минтақалардаги ҳодисалар нима сабабдан келиб чиқди-ю, нима оқибатларга олиб келди? Ким ютди-ю, ким ютқазди? Оқибат нима бўлди?

«Ухлаб ётган фитнани уйғотганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», дейдилар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом. Фитна қўзишидан Аллоҳнинг ўзи сақласин. Тажрибада собит бўлдики, шундоқ фитналарга қандайдир ўзини билмаган шахс ёки гуруҳнинг ўз манфаати, ғаразли йўлида уюштирган сўзи ёки хатти-ҳаракати сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳар биримиз юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилмоғимиз лозим. Қисқасини айтганда юртимиз тинчлиги барчамиз учун керак, бу тинчликни сақлаш ҳаммамизнинг бурчимиз ҳисобланади. Бу ерда мен биринчи навбатда Ўзбекистонимиз Президенти Ислом Каримовнинг юрт тинчлиги, ободонлиги ва халқимизнинг фаровонлиги учун кўрсатаётган ғайратшижоатларини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан. Мамлакатни етук ва камолотга эришган донишманд киши бошқарсагина, ана шундай тинчлик ва омонликка доимо эришиш мумкин. Буни амалда кўриб турибмиз. Ана шу ҳақда Ислом дини ғояларининг маъно ва мазмунини кенг шарҳлаб берувчи ҳадисларида ажойиб ҳикматли сўзлар бор. «Подшоларингиз яхши, бойларингиз саҳий ва ишларингиз бамаслаҳат бўлса, сизлар учун ернинг остидан кўра усти афзалдир. Акс ҳолда ернинг устидан ости афзалдир».

Биз дин арбоблари мўмин мусулмонлар ҳар қандай дақиқада ҳам истиқлолимиз рамзи, озодлигимиз йўлбошчиси, Президентимиз Ислом Каримов ёнларида турамиз ва у кишини қўллаб-қувватлаймиз. Йўқ ердагини йўндириб беозор ва беғубор художўйлардан сиёсатдонлар ясаб, тиниқ сувни лойқалатиб балиқ овламоқчи бўлаётган қалбан ва имонан номукаммал кимсалар буни яхши билишлари керак.

— Муҳтарам муфти ҳазратлари. Ўзбекистонимизда мустақиллик албатта, қон тўкилмасдан тантана қилиб, халқимизга улкан тарихий шодлик ва қувонч бахш этди. Ана шу мустақиллик шарофати ила Ислом динига ва унинг тарғиб этилишига Ўзбекистонимиз ҳукумати томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратиб берилаётган қулайликлар диндорлар оламида ўзининг муносиб баҳосига сазовор бўлган бўлса керак!

— Чиндан ҳам Ўзбекистон мустақиллиги барча мўмин-мусулмонлар ва диндорлар учун ҳам мислсиз тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик шарофати туфайли қариб бир юз эллик йилдан буён катта интизорлик билан қутилаётган ҳақиқатга эришилди. Айни пайтда бу мустақиллик, Аллоҳга шукрлар бўлсинким, бизнинг ҳаётимизда кўпгина ижобий ҳолатларнинг яратилишига мададкор бўлмоқда. Бу ишларни мен аввало ҳурматли Президентимиз номлари ва фаолиятлари билан узвий боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ислом ака Каримов серқуёш диёримизда яъни Ўзбекистонимизда Ислом динининг янада равнақ топиши учун фидойилик ҳам кўрсатмоқдалар. Масалан муҳтарам зот Президентликка бўлган сайловлар арафасида барча сайловчилари, хусусан, Наманган вилояти диндорлари ҳузурида ҳам бўлиб, динимиз арбоблари билан дўстона даврада бафуржа оға-инилардек суҳбат қурганлари ҳамон кўз олдимизда турибди.

Яқинда ҳаммамиз Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигини кенг кўламда нишонладик. Шу сана муносабати билан у кишининг ёзиб тугатган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисолаларини диққат билан ўқиб чиқдим. Бу ихчам ва мазмунли китобчада тарихимиз, ўз йўлимизнинг шарт-шароити ва заминлари, диёримизда демократия ва ижтимоий адолатли жамият барқарор топаётганлиги, миллий манфаатларимиз устиворлиги ҳамда тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат масалаларида доно фикрлар айтилган. Китобчада биз учун ибратли бўлиб қоладиган сўзлардан биттасини келтирай: «Ҳур фикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг якка ҳокимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динига амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатларни, ёлғон ва риёкорликдан поклашга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом ота-боболаримизнинг дини-мусулмонларнинг онги, турмуш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага ҳаж қилишда зарур ёрдам беради».

Биз бугунги кунда Ўзбекистон ҳукумати диндорларга кўрсатаётган чинакам ғамхўрликни амалда кўриб турибмиз. Кейинги пайтларда бир-икки йилда диний ишлар бўйича босиб ўтилган йўлимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, ғоят ижобий ҳолатларни кўриб қувонамиз. Жумладан, кўплаб масжид ва мадрасалар қурилди ва бунёд этилмоқда. Маълумки, аввал Ўзбекистон бўйича фақат саксонтагина масжид бор эди холос. Диний ўқув юртлари иккитагина бўлиб, улар ҳам собиқ Иттифоқнинг ҳаммасига тегишли эди. Ҳозирда худога беадад шукурлар бўлсинким, масжидларимиз ҳам сон ва ҳам сифат жиҳатдан яхшиланди, улар одамларимиз билан файзли бўлиб бормоқда. Худди шу ҳолни мадрасаларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ишда албатта, биринчи навбатда ҳукуматимиз ва унинг раҳбари Президент Ислом ака Каримовнинг арзигулик ҳиссалари бор.

Умуман, диний соҳанинг қайси бирини олмайлик, у кишининг кўп хайрихоҳлик қилганликларини кўрамиз. Бир ҳақиқатнинг мен ўзим жонли гувоҳи бўлганман. Ҳеч эсимдан чиқмайди, имом Термизийнинг 1200 йиллик тўйларини ўтказишга рухсат сўраб маслаҳатлашганимизда у киши «Муфтий ҳазрат, улуғ уламоларнинг муборак қадамлари юртимизга етишининг ўзи катта бахт, бемалол анжуманни яхшилаб ўтказаверинглар, мен қўлдан келган ёрдамимни бераман» деганлар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. У кишининг ёрдамлари анжуманни ўтказишда жуда катта бўлди.

Ҳожиларнинг сони кўпайиши бутун дунё мусулмонларининг қувончига сабаб бўлди. Аввалари собиқ Иттифоқдан бор-йўғи 15—20 киши ҳар йили ҳаж қилар эди. Бу йил 15 мингдан знёд киши азиз ва қутлуғ зиёратгоҳга борди, уларнинг кўпчилиги бизнинг жумҳуриятимиздан эканлиги ҳаммамизни қувонтиради. Чунки, Ўзбекистон ҳукумати мустақилликни қўлга киритгандан кейин диний ишларимизнинг равнақи ва камолоти учун узлуксиз ғамхўрлик кўрсата бошлади. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари куни дам олиш кунлари деб эълон қилинганлиги ва ҳажга, яъни Макка ва Мадина шаҳарларига бориш учун ихтиёримизга қўша-қўша пўлат қанотли қушлар бериб қўйилганлигидан беҳад мамнун бўлдик ва раҳбарларимизнинг ҳаққига кўп марта дуолар айладик.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат аъзоларидан иборат делегациянинг Саудия Арабистонига дўстона давлат сафари билан борилганлиги халқаро ҳаётимиздаги унутилмас тарихий воқеалардан бири бўлиб қолди. У киши бошлиқ вакилларимиз Саудия мамлакатида давлатларимиз ўртасида олиб бориладиган яхши алоқалар ҳақида музокаралар олиб бориш билан бирга жаҳон мусулмон оламининг муқаддас зиёратгоҳларига таклиф этилдилар. Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазиз марҳамати билан намояндаларимизга Аллоҳнинг уйи Каъбатуллонинг олтин эшигини очиб бердилар. Бу бизнинг халқимизга, ҳукуматимиз раҳбарларига билдирилган катта ишонч эди. Каъбатуллодан совға қилинган каъба пўшни мусулмонлар ихтиёрига топширилиши каби қатор қувончли воқеалар динимизга кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибордан далолатдир.

Диний идора фаолиятида диний адабиётлар, матбуотда, радио ва телевидениеда одоб-ахлоқ мавзуларида чиқишларда динимиз арбобларининг қатнашуви муҳим аҳамият касб этмоқда. Идорамиз қошида «Мовароуннаҳр» нашриёти фаолият кўрсатмоқда. «Ислом нури» жаридаси ва «Мовароуннаҳр мусулмонлари» мажалласи мунтазам равишда чиқиб турибди. Диёримиз мусулмонларини диний адабиётлар билан етарли таъминлаш мақсадида бир қанча китоблар нашр қилинди. Вилоятларда диний кутубхоналар очилмоқда.

Сиз билан бўлган суҳбатимизда янада кўп ибратли гапларни айтишимиз мумкин. Иншоолло, Ўзбекистонимиз мустақиллигидан бизнинг умидларимиз ойдиндек равшан ва тасбеҳ доналаридек кўпдир. Албатта, келгусида ардоқли ва севимли диёримиз инсон ҳаётининг ҳар бир жиҳати ва қирраси бўйича жаннатмакон диёр бўлиб кетади.

ИККИНЧИ ТИРАЖДА 40 МИНГТА ЮТУҚ ЎЙНАЛДИ

● 30 сентябрь куни Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг 12 фоизли ички ютуқ зайёми иккинчи тиражи ўйинлари бўлиб ўтди.

Шу куни Хоразм вилояти марказининг бош майдони эрталабданоқ минглаб кишиларни ўз бағрига чорлади. Тантанавор, янграётган карнай-сурнай наволари дилрабо қўшиқлар, мафтункор мақомлар, шўх рақслар ўзига хос байрам даракчиси бўлди. Урганч шаҳридаги Огаҳий номли театрнинг муҳташам биносида Ўзбекистон Республикасининг 12 фоизли ички ютуқли заёми иккинчи тиражи ўйналиши ана шундай қувонч сабабчисидир.

Чиндан ҳам бу куни

«МЕРОС» ДАСТУРИ МУҲОКАМАСИ

● Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Мерос» дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мажлис бўлди. Унда шу соҳага алоқадор барча вазирлик ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбек халқи улкан илмий, тарихий, адабий ва маданий меросга эга. Бу қимматли ҳазинани асраш, оммалаштириш ва тарғиб этиш давлат аҳамиятига молик ишдир. Ишлаб чиқилган дастур лойиҳасига кўра, мавжуд меросниг ноёб обидаларини асраш ва таъмирлаш босқичма-босқич амалга оширилади.

Дастурда халқ санъати ва ҳунармандчилигининг ғоят бой, хилма-хил анъанавий турларини ривожлантириш, миллий кийим-кечаклар, буюмлар ва эсдалик совғалари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини кенгайтириш масалалари ҳам ўрин олган, республикада сайёҳликни ривожлантириш, маданий меросни, анъаналар ва маросимларни тарғиб қилишни молиявий таъминлаш кўзда тутилган.

Лойиҳа юзасидан сўзга чиққанлар шундай дастур қабул қилиниши ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, уни янада мукаммаллаштириш хусусидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар, илмий-маданий марказни тезроқ қуриш зарурлигини айтдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров сўзга чиқди.

(ЎзА мухбири).

● ТОШКЕНТ—ЖИЗЗАХ:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

Жонажон Узбекистон республикамиз мустақиллигининг бир йиллик байрами бутун жумҳуриятимиз вилоятлари, шаҳарлар, районлар ва қишлоқларида кўтаринки руҳда қарши олинди. Бизнинг Мирзо Улуғбек районимиз аҳолиси ҳам бу байрамни муносиб кутиб олдилар. Байрам шукуҳи шу кунларда ҳам давом этмоқда, катта шодиёналарга уланиб бораяпти.

Яқинда районимиз ҳокимлиги билан Жиззах вилоятининг Зомин райони ҳокимлиги ўртасида ўзаро ҳамдўстлик битими тузилди. Бу битим Зомин район ҳокими Н. Умаров ҳамда районимиз ҳокими Ш. Мирзиёевлар томонидан имзоланди. Бу тадбирни ўтказишда районимиздаги кўзга кўринган йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари ва маҳалла қўмиталари кенгашининг аъзолари фаол иштирок этдилар. Улар келгуси вазифаларнинг самарали адо этилиши учун биринчи навбатда қилинадиган ишлар хусусида келишиб олдилар, бу борада ўзаро фикр ва мулоҳаза алмашдилар. Ҳар икки томон ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига маданият, фан, техника, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва тиббиёт соҳасида бир-бирларига яқиндан амалий ёрдам беришга келишиб олдилар. Шу билан биргаликда ҳамдўстлик шартномасини ривожлантириш мақсадида районлардаги корхона ва ташкилотлар ўртасида тўғридан-тўғри шартномаларни тузиш кўзда тутилди. Районлардаги корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб бериш, қурилиш ва таъмирлаш ишларида бир-бирларига кўмак бериш масалалари ҳам янги ҳамкорларнинг диққат эътиборида бўлди.

Яқин амалий ҳамкорликни кучайтириш мақсадида қўйилган бу илк қадам мустақилликни мустаҳкамлашга, одамлар орасидаги дўстлик ва биродарлик, қолаверса ўзаро ёрдамни кучайтиришга хизмат қилади.

Йиғилиш тантаналарига меҳмонларга намойиш этилган катта концерт дастури уланиб кетди.

И. РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек
райони ҳокимининг ўринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ДИЁР
TRADING HOUSE САВДО УЙИ

АГАР СИЗДА ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА БЎЛСА ВА СИЗ МАЪҚУЛ НАРХЛАРДА ХОРИЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭНГ ЯХШИ МОЛЛАРНИ ХАРИД ЭТИШНИ ИСТАСАНГИЗ БУНИНГ УЧУН АЛБАТТА ЧЕТ ЭЛГА БОРИШИНГИЗ ШАРТ ЭМАС

«Ўзбекбирлашув» қошидаги қўшма акционерлик «Диёр» савдо уйи магазинлари сизнинг дидингизга жавоб берадиган кенг кўламда хилма-хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига эга.

«Диёр» ўз имкониятларидан келиб чиқиб, мустақил ҳолда чет эл фирма ва компаниялари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб, мижозлар, тадбиркорлар, ишбилармон кишилар, Ўзбекистондаги элчихоналар ва савдо ваколатхоналари хизматчиларининг ҳар қандай буюртмаларини қисқа муддат ичида бажаради.

ҲАҚ — НАҚД ТЎЛАШ ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ОЛИНАДИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 30 «А» «Диёр» магазини.

Тошкентдаги телефон: 54-19-87.

● «Мустақиллик—менинг ифтихорим» фототанловига



Олтин олма, дуо ол,
Дуо олтин эмасми!

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан 1 октябрда халқаро Қариялар кунини нишонлаш анъанага айланмоқда.

Бу энг олижаноб тадбирдир. Чунки, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳурматли онахон ва отахонларимиз эътиборга, ғамхўрликка ва ижтимоий ҳимояга муҳтождирлар.

Ҳозирги кунда республикамизда 2 миллион 500 мингга яқин турли тоифадаги нафақахўр бор.

Ёшига кўра нафақа олаётганлардан 200 мингдан кўпроқ киши ўз меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда. Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари 7 минг 150 та бошланғич фахрийлар ташкилотига бирлашган.

Қариялларнинг ҳаёти биз яшаб турган жамият кўзгусидир. Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Фахрийларининг съездида таъкидлаганидек, ўз қариялари, ўз болалари, ўз ногиронларини ҳимоя қила олган давлат ўзини ҳурмат қиладиган давлат, маданий, илғор ҳисобланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг ҳукумати уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса онахон ва отахонларимиз турмуш даражасини кўтариш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида нафақалар ва ижтимоий нафақаларни ошириш тўғрисида Президентнинг иккита фармони эълон қилинди. Республикамизда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз ва кекса нафақахўрларга турли имтиёзлар бериш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари амал қилиб турибди.

Шу йил 25 августда қабул қилинган Фармон Президентимиз ва республика ҳукумати қариялар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганидан далолатдир. 1 сентябрдан эса шу Фармонга мувофиқ иш стажи ва иш ҳақига қараб белгиланувчи табақалаштирилган нафақаларни қайта тиклаш имконияти яратилди.

Шу кунларда республика фахрийлари ташкилотлари олдида муҳим вазифалар турибди. Улар халқаро Қариялар кунини ўз ишларини жонлантирган ҳолда кутиб олмоқдалар. Фахрийларнинг моддий-маиший ва уй-жой шароитларини янада яхшилаш, уларга тиббий ва савдо хизматини кўрсатиш, айниқса, кексаларнинг кам таъминланган қисмига, ёлғиз ва кекса нафақахўрлар, ногиронларга давлат томонидан берилган барча имтиёзлардан фойдаланишларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 2,5 миллионга яқин нафақахўрнинг 60 фоиздан кўпроғи ёши жиҳатидан кексалар қаторига киради. Яъни улар 65 ва ундан ортиқ ёшдадирлар. Улар орасида 14 мингдан ортиқроқ ёлғиз ва кундалик ёрдамга муҳтож кексалар бор.

Жонажон республикамиз тараққиёти йўлида ҳалол ва фидокорона тер тўкиб, оғир меҳнат йўлини босиб ўтган бу кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш бугунги кундаги ҳайрли ишлардандир. Фахрийлар ташкилотлари кам таъминланган нафақахўрларга, корхона, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ҳисобидан нафақаларга қўшимча пул ундириб бериш, қариялларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларга текин ва имтиёзли шартлар билан ёқилғи, дам олиш ва даволанишлари учун йўлланмалар олиб бериш, арзонлаштирилган баҳода кийим-бош сотадиган дўконлар ва уларнинг бўлимларини очиш тўғрисида меҳр-шафқат ташкилотлари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига хўжалик ва маиший мақсадларда ишлатиладиган буюмларни сотиб олиш масаласини қўйишда ташаббус кўрсатишлари керак.

Кексалар катта ҳаётий тажрибага ва билимга эга кишилардир. Улар орасида малакали мутахассислар, тажрибали амалиётчилар, жангларда тобланган аскарлар бор. Уларни ёш авлодни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол, меҳнатга онгли равишда муносабатда бўлиш, ҳар бий билимларни эгаллаш, интизомлилик, уюшқоқлик, она Ватанга меҳру-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш каби ишларга жалб этишлари лозим.

Нафақахўрлар ва енгил меҳнат фаолиятига тортиш, ҳам муҳим вазифалардандир. Айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш, савдо, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш каби соҳаларда ишлаётган ёшларга мураббийлик қилиш ишларига жалб этиш зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Қариялар куни байрами белгиланганлиги — бу жаҳон жамоатчилиги олдида кекса авлоднинг хизматларини тан олиш тимсолидир. Ҳар қандай жамият ўзининг қариялари ҳақида мунтазам ғамхўрлик қилиши ва уларни унутмаслиги, уларга меҳр-шафқат кўрсатиши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, отахонларимиз, онахонларимиз, бувиларимиз, буволаримизнинг сиҳат-саломатликлари, юзларидаги қувонч ва хотиржамликлари, узоқ умр кўришлари кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ.

Улар жонажон Ўзбекистонимиз бағрида яйраб-яшнасинлар ва узоқ умр кўрсинлар. Халқаро Қариялар куни кекса авлоднинг энг ёрқин байрамлари бўлиб қолсин.

О. АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилоти уюшмаси Кенгашининг аъзоси.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● БУХОРО

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН СОВҒА

● ЮРИЙ СОДИҚОВ Бухородан Америка Қўшма Штатларига кетганига икки йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо ишбилармон йигитнинг толеи баланд экан. Қисқа муддат ичида у ҳорижий тадбиркорлар ўртасида ўз ўрнини топаолди.

Айни маҳалда Ю. Содиқов йиллик савдо обороти 300 миллион доллар бўлган «Диалог интернейшнл» савдо фирмасининг вице-президентидир. Яқинда Ю. Содиқов она шаҳрини зиёрат қилиб Бухоро болалар уйига ташриф буюрди. У бу ерда тарбияланаётган етим болаларнинг бошини силаб, фирма номидан уларга «Шарп» видеомагнитафони ва бир комплект видеокассеталарни ҳадя этди. Вилоят раҳбарияти билан фирма ва Бухоро ишбилармонларининг ўзаро ҳамкорлик қирралари тўғрисида келишиб олинди.

Нусратилла НАИМОВ.

● НАВОИЙ

ФРАНЦУЗЛАР НОНИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

● ОЛТИНТОПОРЛАР шаҳри Зарафшонда швейцарияликлар асбоб-ускунаси билан жиҳозланган нон ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Хорижий технология асосида пиширилаётган нон маҳсулотлари французларникидан сира қолишмайди. Ҳар соатда 250 килограммдан сифатли нон ишлаб чиқарилмоқда. Янги цех ишга тушган шаҳарда нон таъминоти янада яхшиланди. Айни пайтда 8 киши меҳнат қилаётган бу цех келгусида булка ва оби нонлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўяди. Ўшанда цехда 20 киши меҳнат қилади.

Музаффар ШАРОПОВ.

● ҲОДИСА

ҲАМҚИШЛОҚ ЎҒРИЛАР

● ШУ ЙИЛНИНГ 9 сентябрь куни маҳаллий вақт билан соат 23 ларда Қарши районидаги «Чўлпота» давлат хўжалигининг Э. Собиров кўчасидаги 21-хонадонга юзлари ниқобланган номаълум шахслар бостириб киришди.

Хонадон соҳиби Ф. Турсунов уйида йўқ эди. Уй бекаси В. Файзиеванинг бошига қаттиқ нарса билан уриб, қўл оёғи боғланди. Устига кўрпа ёпиб қўйишди. Аёлнинг никоҳ узугини суғуриб олиш пайтида бармоғи жароҳатланди.

Босқинчилар хонани тинтув қилишди. Қимматбаҳо кийимлар ва пулларни ўмаришди. Ўзларидан из қолдирмасликка ҳаракат қилдилар.

Хонадон соҳиби уйга келганда ноҳуш воқеанинг гувоҳи бўлди ва зудлик билан район ички ишлар бўлимига хабар қилди. Милиция ходимлари 12 минутга қолмай етиб келишди. Аммо жиноятчилар қочишга улгуришганди. Оператив тергов гуруҳи уч кеча-кундуз жиноятчиларни тинмай излади. Ҳаракатлари зое кетмади. Шубҳаланган кишилар ушланди. Жиноятчиларнинг икки нафари, 12 сентябрь куни, учинчиси 16 сентябрда қўлга олинди. Қизиғи шундаки, босқинчиларнинг уччалови ҳам шу ерда яшовчи ҳамқишлоқлар бўлиб чиқди. Тергов ишлари давом этаётганлиги учун уларнинг исм-шарифларини тилга олмадик.

Мусо КАРОМОВ.

Шаҳримизда анъанавий Тошкент халқаро кинофестивалига тайёргарлик ишлари йилнинг аввалидаёқ бошланган эди. Анжуман дастурида расман кўрсатиладиган фильмларни намойиш этиш учун ўнта энг яхши кинотеатрни танлаб, уларнинг биноларини таъмирладик. Санъат саройи, Фурқат номли, «Ватан», «Қозоғистон», «Дўстлик», Нодирабегим номли, «Нукус» ва бошқа кинотеатрлар шундай маданият масканларидандир. Улар меҳмонлар ва томошабинларни кутиб олишга шай турибди. Жами томоша залларимизда бир йўла ўн икки минг санъат мухлиси фильм кўриши мумкин.

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI халқаро кинофестивали олдидан



Ҳар галгидек бу сафар ҳам томошабинларга зарур бўладиган қулайликларнинг барчасини яратишга ҳаракат қилдик. Томоша залларида қошида қаҳвахона, дорихоначалар, дўконлар ишлаб туради. Абонементлар, чипталар тайёрлаб қўйилди. Бир серияли картиналарнинг ўртача баҳоси 9 сўмга тушмоқда. Бир абонементнинг нархи 125 сўмгача борди. Унинг эгаси етти марта томоша кўриши мумкин. Шунингдек, томошабинларнинг таниқли актёрлар, режиссёр ва мутахассислар билан ўтказиладиган учрашувларига алоҳида аҳамият бердик. Мулоқотлар самарали, эсда қоларли бўлиши учун кўргазмалар ташкил этилади. Мезбон сифатида маданий хизматнинг турли шаклларидан фойдаланиб, улар кўнглини олишга ҳаракат қиламиз.

Мен ўзим Тошкентда бўлиб ўтган кейинги бешта Халқаро кинофестивалнинг гувоҳиман. Илгарилари фестиваль дастуридаги барча картиналар Москвада кўрилар, танланар ва лозим топилгани Тошкентга юборилади. Эндиликда танлов группаси ҳам ўзимиздан. Группада Мелис Абзалов сингари таниқли киночилар, Рашид Маликов каби ёш режиссёрлар бор. Улар анжуманда қатнашадиган 50 дан зиёд мамлакатнинг энг қизиқарли, бадиий юксак фильмларини томошабинлар эътиборига тақдим этишлари керак.

Бу йилги фестивалнинг олдингиларидан яна бир фарқини таъкидлаб ўтишни истардим. У ҳам бўлса киноихлосмандлар эҳтиёжини дурустроқ қондириш мақсадида бу йирик тадбирдан тушадиган фойдадан воз кечганимиздир. Бу маблағ хайрия мақсадларига сарф қилинади. Бу — ҳар бир сеансда ўринларнинг 15 фоизи бепул бўлади, деганидир. Моддий ёрдамга муҳтож кишилар, ногиронлар, болалар уйларида тарбияланувчиларга ана шундай имтиёз яратилади. Жами 30 мингдан зиёд киши томошаларни бепул кўриш имконига эга бўлади.

XI Тошкент Халқаро кинофестивалининг бош ҳомийлигини Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси ўз зиммасига олганлиги яна бир хайрли ишга қўл урилганидан далолат беради. У ўзбек, рус, инглиз, испан, араб тилларида турли шиорлар, плакатлар тайёрлашни таъминлади. Рекламага оид кўпгина бошқа юмушларни амалга оширди. «Кинофестиваль йўлдоши» журнали билан меҳмонлару мезбонлар танишишлари мумкин.

Хуллас, Халқаро кинофестивалнинг ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтишини таъминлаш учун барча шарт-шароитни яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Чунки, бу йирик анжуман халқлар ўртасидаги дўстлик, ижодий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш билан бирга, тинчликни сақлашда катта аҳамият касб этади.

Қ. ДОНИЕРОВ,
Тошкент шаҳар кинолаштириш ва прокат бошқармаси бошлиғи.



Ҳинд киноартистлари — Суреш ва Яшодхара Уберой Тошкент фестивалларидан бирида.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● «ҚИЗЛАР БАЗМИДАН ЧИҚҚАН ҚОТИЛЛИК»

БОШ БУХГАЛТЕРЛАР ЭЪТИБОРИГА!

1993 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро стандартларга мўлжалланган бухгалтерлик ҳисоби счетларининг янги режаси жорий этилади.

«НУР» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ «БУХГАЛТЕР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»НИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ 1 КИТОБИНИ ХАРИД ЭТИШИНГИЗНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблар янги режасига батафсил шарҳлар, счетлар режасини қўллаш бўйича йўриқномалар, кичик корхоналарда бухгалтерлик ҳисоблари ва бошқалар келтирилган.

Тез орада «Бухгалтер энциклопедияси»нинг II китоби ҳам босмадан чиқади, унда бухгалтерлик ҳисобига доир янги қонунчилик ва йўриқнома-методик материаллар, шунингдек хусусийлаштириш соҳаси бўйича бухгалтер билиши лозим бўлган асосий тушунчалар ва категориялар, шунингдек масъулияти чекланган жамиятлар, акционерлик жамиятлари таъсис ҳужжатларининг намуналари ўрин олган. Мазкур китобда бундан ташқари соддалаштирилган схема бўйича журнал-ордерларни тўлдириш ва фойдаланиш тартиби ҳам келтирилган.

«Нур» илмий ишлаб чиқариш фирмаси абонементлик хизмати шартномасини тузишни таклиф этади. Абонементни сотиб олганлар йил охирига қадар рус ва ўзбек тилларида «Бухгалтер энциклопедияси»нинг 1, 2, 3, 4-китобларини оладилар, шунингдек «Нур» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ўтказиладиган семинар-консультацияларда қатнашиш ва консультация олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бизнинг мижозларимиз —бообрў фирмалардир.

Фақат бизнинг мижозимиз бўлганингизда Сиз ўз молиянгиз ва ҳисобингиз учун хотиржам бўласиз.

«Нур» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси — бу Сизнинг муваффақиятингиздир.

Шуни хабар қиламизки, «Бухгалтер энциклопедияси» ҳар бир китоби 398 сўм туради. Абонемент хизмати — 5 минг сўм. Бизнинг реквизитлар: Тошкент шаҳар Саноат қурилиш банкининг Мирзо Улуғбек бўлимида ҳисоб рақами — 100609038, код рақами — 172682313.

Ҳақ нақд ва пул ўтказиш йўли билан тўланиши мумкин.

Манзилгоҳимиз: 700128, Тошкент шаҳри, Қодирий кўчаси, 5-А А/Қ 1911 (Сув хўжалиги вазирлигининг биноси, 7-қават, 714-хона).

Телефон: 41-03-74, 41-26-01, ички 5-71.

Тошкент шаҳар А. Икромов районидаги 283-мактаб томонидан **Исмоилова Наргиза** номига берилган Б № 090965 рақамли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

В. И. Ленин номидаги Республика педагогика билим юрти томонидан **Маматова Гулбаҳор Юсуповна** номига берилган Э-1 №444437 рақамли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Бош муҳаррир
Ш. О УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ—ГСП ЛЕНИНГАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.30.
Г—394. № 193. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.